# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2014 йил — Соғлом бола йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 4-SENTYABR, PAYSHANBA, 106 (8343)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!




Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан қабул қилинган "Термиз шаҳрини "Амир Темур" ордени билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони қалбимизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлади. Нафақат шаҳар, балки бутун воҳамиз аҳли бундай қувончдан масрур бўлиб, бу диёрни янада обод ва гўзал қилиш учун бир кучимизга ўн куч қўшилди.



## ЖАНУБДАГИ ЖАВОҲИР

Бир неча асрга татигулик фараҳбахш 23 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 4,1, аҳолининг реал даромадлари жон бошига 8,2 баробарга ошди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаяпти. Тўғриси, бундай натижаларга дунёда манаман деган давлатлар ҳам эришаётгани йўқ.

Мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш, замонавий уй-жойлар қуриш ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар жаҳоннинг кўплаб давлат арбоблари, ишбилармонларини қойил қолдирмоқда. Хотин-қизлар, ёшлар, кекса авлодга кўрсатилаётган эҳтиром, уларга қаратилаётган юксак эътибор халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг тажрибаси кенг ўрганилмоқда.

Албатта, ҳар бир жамиятдаги тараққиёт омиллари рақам ва кўрсаткичлар, қиёсий таҳлиллар орқали баҳоланади. Хўш, вилоятимиз маркази — Термиз шаҳри 23 йил аввал қандай аҳволда эди?

Термиз кўҳна, тарихий шаҳар бўлса-да, уни навқирон дейишга ийманардик. Чунки ўша кезларда шаҳарда бунёдкорлик ишлари олиб борилмаган эди. Ўша пайтларда Термиз собиқ иттифоқнинг чегара гарнизони эди, холос. Сувсизликдан дарахтлар қуриб қолган, кўчалари тор, ичимлик суви танқис, хуллас, маданий-маиший шароитлари талабга жавоб бермайдиган шаҳар эди. Боз устига, аҳолининг ҳаёт даражаси паст эди. Табаррук қадамжолар, жумладан, Ал Ҳаким ат-Термизий, Абу Исо имом ат-Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота каби мажмуалар қаровсиз, таъмирталаб бўлиб ётарди.

Мана, энди шаҳарнинг бугунги ҳаётига қарайлик. Истиқлол шарофати ва давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори туфайли кўҳна шаҳар қадимий қиёфасини замонавий усулда қайта тиклаб, мамлакатимизнинг жанубдаги жавоҳирига, олтин дарвозасига, обод ва бунёдкорлик оғушидаги шаҳарга айланди. Дунё қадимшунослари эътиборини янада кўпроқ жалб этиб, хорижлик сайёҳлар, сармоядор ва ишбилармонларни ўзига чорлаётир.

(Давоми 2-саҳифада)









Истиқлол шарофати ва давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори туфайли кўҳна шаҳар — Термиз қадимий қиёфасини замонавий усулда қайта тиклаб, мамлакатимизнинг жанубдаги жавоҳирига, олтин дарвозасига, обод ва бунёдкорлик оғушидаги шаҳарга айланди.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз қутловларини йўллашган:

**Пумипон Адулядет Рама IX** — Таиланд Қироли

**Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний** — Қатар Давлати Амири

**Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний** — Қатар Давлати Бош вазири, Ички ишлар вазири

**Тейн Сейн** — Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти

**Алассан Уаттара** — Кот д'Ивуар Республикаси Президенти

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

*2014 йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадасида ёш спортчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритишди. Шу муносабат билан жойларда Олимпиадада муваффақиятли иштирок этган ёш спортчиларимизни шарафлашга бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.*

## ЁШ ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЮТУҚЛАРИ ҚАЛБЛАРНИ ҚУВОНТИРДИ

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.** Нанкин Олимпиадасида Фарғона вилоятидан ёш боксчи Бектемир Меликўзиев ва Козимбек Мардонов иштирок этиб, Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб туҳфа тайёрлади. Б.Меликўзиев олтин медалга сазовор бўлди. Қўқон шаҳрида уларни шарафлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Фарғоналик спортчилар кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда салмоқли натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Шахмат бўйича Осиё ва Жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, бокс бўйича Осиё ўйинлари ғолиби Элшод Расулов, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Ойбек Шарипов, Баҳодир Мамажонов, каноэда эшкак эшиш бўйича Элёр Мамадалиев сингари ёшлар бутун Ўзбекистонимиз фахри саналади.

Ёш олимпиадачиларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида олис қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, барча зарур жиҳозлар билан таъминланаётгани спортчиларимизнинг халқаро миқёсда юксак марраларни забт этишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев сўзга чиқди.

(Давоми 2-саҳифада)

### БИЗ КИММИЗ, ҚАНДАЙ БУЮК ЗОТЛАРНИНГ, ҚАНДАЙ БУЮК МЕРОСНИНГ ВОРИСЛАРИМИЗ?!

## АЖДОДЛАРИМИЗ УЛУҒ, АВЛОДЛАРИМИЗ БАРКАМОЛ

***Мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларидаги "Мустақиллик дарслари"да мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган маърузасининг ҳаётбахш мазмун-моҳияти катта мамнуният билан эътироф этилди.***

"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ўтган ушбу сабоқларда таниқли олимлар, профессор-ўқитувчилар, ижодкорлар ва зиёлилар иштирок этгани, унинг қизиқарли ва янада мазмунли, энг муҳими, мустақиллик моҳиятини янада ёрқинроқ очадиган, ҳаётий мисолларга бой бўлишини таъминлади. Дарсларда мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар самараси, эришилган ютуқлар, истиқлол берган имкониятлар ҳақида кенг тушунча берилди.

Бу галги "Мустақиллик дарслари"нинг ўзига хос ва энг аҳамиятли томони шунда эдики, ёшларимиз Ватан мустақиллигининг қандай бебаҳо неъмат эканлигини, бизнинг аждодларимиз қандай улуғ зотлар бўлганлигини англаб етишига хизмат қилди. Шунинг баробарида улар қалбида буюк аждодларга муносиб авлод бўлиш иштиёқи янада кучайди. Айниқса, Президентимизнинг жорий йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи "Мустақиллик дарслари"нинг мазмун-моҳиятини ниҳоятда бойитди. Аввало бу халқаро конференцияда мамлакатимиз раҳбари катта маъруза билан чиқиши Юртбошимизнинг, юртимиз аҳлининг аждодлар меросига садоқати рамзи бўлди.

Шу ўринда мазкур дарсларда айнан ушбу мавзуга эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, Мустақиллик бизга, энг аввало, кимлигимизни англаш, аждодларимизнинг бой маънавий мероси билан танишиш, керак бўлса, уни давом эттириш имконини берди. Президентимиз маърузасида айтиб ўтганидек, **"Бугун орадан деярли минг йил ўтганидан кейин ҳам биз ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва қомусий билимлари олдида ҳайратга тушамиз. Афсуски, инсоният бошидан кечирган ҳар хил фожеалар, урушлар, табиий офатлар натижасида улар қолдирган буюк мероснинг, айтиш мумкинки, мингдан бир қисмигина бизгача етиб келган, холос".** Биз дарсга йиғилганлар, педагоглар, талабалар иштирокида бу мавзуда сабоқ ўтар эканмиз, Юртбошимизнинг қалбимизда фахр туйғусини жўштирган бу эътирофларини қайта-қайта такрорлагимиз келди. Айниқса, мустабид тузим замонида буюк аждодларимизнинг илмий меросидан, ҳатто, уларнинг номидан ҳам баҳраманд бўла олмадик.

"Мустақиллик дарслари" бугунги давр талаби даражасида жиҳозланган, кенг ва ёруғ аудиторияларда ўтказилди. Дарс жараёни замонавий ахборот технологиялари асосида ўтилгани, мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқлар, буюк аждодларимизнинг бой маънавий мероси ҳақидаги маълумотлар фильмлар ва кўргазмали воситалар орқали баён қилингани талабаларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий мероси бугун ҳам тараққиётнинг жадал ривожига хизмат қилиб келаётир. Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Имом Бухорий, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби мутафаккирларнинг илм-фан соҳасида эришган ютуқлари бугун ҳам бутун дунёни ҳайратга солмоқда.

"Мустақиллик дарслари"да шулар ҳақида сўз борар экан, ёшларнинг юзу кўзида балқиб турган фахр туйғулари эътиборимизни тортди. Уларнинг аждодларимиз мероси ҳақида берган саволлари эса аждодлар меросига қизиқишнинг, аждодларга муносиб авлод бўлиш иштиёқининг ёрқин кўриниши эди.

Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири, унинг ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиққани ва Нил дарёсида "ниломер" деган кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани ҳақидаги маълумот келтирилди. Бундан тўлқинланган талабалардан бири сўзга чиқиб, шундай деди: "Биз шундай буюк аждодларимиздан нафақат фахрланишимиз, балки уларнинг илмий меросини чуқур ўрганган ҳолда уларга муносиб ворис бўлишимиз шарт. Зеро, бугун юртимизда биз ёшларга ўз иқтидор ва истеъдодимизни намоён этишимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган". Ушбу самимий ва ишонч билан айтган сўзлар барча талабаларнинг дилидаги ўй-фикрлари эди, назаримизда.

Эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшлар келажагига бугун давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани, уларнинг замонавий таълим олишлари учун барча имкониятлар сафарбар этилаётгани уларнинг ўзларини ҳам янги марраларни эгаллаш сари интилишга руҳлантирмоқда.

Президентимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида ёшларга қарата **"Сизлар қаерда, қайси соҳада бўлмасин – билим олиш, илму фан чўққиларини эгаллаш, энг замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштириш, бизнес соҳасини ривожлантиришда, спорт майдонларида Ўзбекистоннинг шуҳратини тараннум этишда барчага намуна бўлаётганингиз, сўзсиз, ҳаммамизни қувонтиради"** деган сўзлари ҳам бу йўлда ёшларимизга катта мадад бўлиши шубҳасиз.

Янги марраларни кўзлаган, улуғ аждодларига муносиб авлод бўлишни мақсад қилган, Ватанимиз тараққиётига ўзининг билим ва тажрибаси билан ҳисса қўшишни ният қилиб, бугун олий таълим муассасасида илм олаётган ёшларга очиқ мулоқот тарзида ўтган "Мустақиллик дарслари" янада куч ва ғайрат бағишлади.


**Зокир МАРКАЕВ,**
*Тошкент давлат аграр университети Фалсафа кафедраси мудири.*

# ЁШ ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЮТУҚЛАРИ ҚАЛБЛАРНИ ҚУВОНТИРДИ

(Боши 1-саҳифада)

**БУХОРО ВИЛОЯТИ.** II ўсмирлар Олимпиадасида қўлга киритилган ютуқда бухоролик ёш чарм қўлқоп устаси Сулаймон Латиповнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ушбу нуфузли мусобақада 49 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан С.Латипов кумуш медалга сазовор бўлди.



Бухорода унинг бу ютуғини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, мураббийлар, спортчилар ва ёшлар иштирок этди.

Бухоро бокс мактабидан кўплаб кучли чарм қўлқоп усталари етишиб чиққан. Бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Лондон Олимпиадаси совриндори Аббос Атоев, Лондон Олимпиадаси қатнашчиси Фазлиддин Ғойибназаров шулар жумласидандир. Жорий йил Болгариянинг София шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида эришган муваффақиятини Нанкин Олимпиадасида такрорлаб, иккинчи ўринни эгаллаган Сулаймон Латиповнинг ютуғи воҳа бокс мактаби анъаналари бардавомлигидан далолат беради.

– Давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга қаратаётган юксак эътибори, ишончи, кўрсатаётган ғамхўрлиги кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда, – дейди Бухоро олимпия захиралари коллежи ўқувчиси С.Латипов. – Ниятим – 2016 йили Бразилияда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш ва унда юқори натижа кўрсатиш.

Тадбирда Сулаймон Латиповга совғалар топширилди. Спортчини тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган мураббийлар вилоят ҳокимлиги томонидан рағбатлантирилди.

Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов сўзга чиқди.

* * *

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Термиз шаҳрида Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларининг 66 килограммгача бўлган дзюдочилари ўртасида бронза, жамоавий беллашувларда олтин медалга сазовор бўлган Суҳроб Турсуновни шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

– Нанкин олимпиадасида сайёрамизнинг 170 давлатидан энг кучли спортчилар иштирок этди, – дейди Суҳроб Турсунов. – Ҳар гал гиламга чиққанимда Президентимизнинг биз ёшларга билдираётган улкан ишончлари менга далда бўлди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан шундай юксак ғалабага эришганимдан ва Юртбошимиз совғасига муносиб кўрилганимдан бахтиёрман.

Денов туманидаги Афросиёб-2 маҳалласида ўсиб-улғайган ёш полвон учун жорий йил омадли бўлди – у Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга қабул қилинди.

– Бизнинг ёшлик йилларимизда бирор спорт тури билан шуғулланиш учун етарли шароит ҳам, имконият ҳам йўқ эди, – дейди Суҳроб Турсуновнинг бобоси Турум Мўминов. – Бугун энг чекка ва олис қишлоқларда ҳам фарзандларимизнинг ўзи истаган спорт тури билан мунтазам шуғулланиши учун шароит яратилган, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида Ватанимиз довруғини улуғлаш имконияти мавжуд. Ёшларимиз бундан самарали фойдаланаётгани кўнглимизни тоғдек кўтаради.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Жўраев сўзга чиқди.

* * *

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.** Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида юксак натижа кўрсатиб, олтин медалга сазовор бўлган ёшлар орасида самарқандлик Илҳом Баҳромовнинг ҳам борлиги вилоят аҳлига чексиз фахр-ифтихор бағишлади.



Илҳомни тантанали кутиб олиш учун Самарқанд темир йўл вокзалида чемпионнинг ота-онаси, яқинлари билан бирга ҳокимлик, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари жам бўлди. Бу ерда Олимпиада ғолиби ва унинг устозига муносиб иззат-икром кўрсатилди.

Сўнгра тадбир қатнашчилари Самарқанд шаҳридаги Амир Темур мақбараси ва бошқа муқаддас қадамжоларни зиёрат қилди. Кейинги йилларда бунёд этилган спорт иншоотлари билан танишди.

— Фарзандимнинг ютуғи менда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади, – дейди чемпионнинг отаси Исмоил Мустафоев. — Тўнғич ўғлим Ислом ҳам юнон-рум кураши билан шуғулланади. Чемпионлар ота-онаси эканлигимиздан фахрланамиз. Ёшларимизга спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган. Бу борада ғамхўрлик қилаётган Юртбошимиздан миннатдормиз.

Илҳом Баҳромовни шарафлаш маросимида Президентимиз раҳнамолигида спортнинг оммавийлигини ошириш, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев сўзга чиқди.

* * *

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ.** II ўсмирлар Олимпиадасида оғир атлетикачилар ўртасида 56 килограммгача бўлган вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллаган янгиқўрғонлик А.Эргашевни Наманган вилояти аҳли катта хурсандчилик билан кутиб олди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ва туман ҳокимлиги вакиллари, кенг жамоатчилик, ёш спортчининг мураббийлари, оила аъзолари, дўстлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Адҳамжон Эргашев Олимпия ўйинларида оғир атлетикачилар ўртасида даст кўтаришда 110, силтаб кўтаришда 133, икки курашда 243 килограммлик маррани забт этиб, бронза медалига сазовор бўлди.

– Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик тантаналарида Президентимиз ёш спортчиларнинг эришган ютуқларига юксак баҳо бериб, муваффақиятларимизни бутун халқимизнинг, Ўзбекистонимизнинг ютуғи сифатида эътироф этганлари бизни янги марралар сари руҳлантирмоқда, – дейди Адҳамжон Эргашев. – Мана шу юксак ишончга муносиб бўлиш учун ҳам Ўзбекистонимиз шарафини халқаро миқёсда кенг улуғлаш учун ўз устимда янада жиддийроқ ишлайман.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов сўзга чиқди.

* * *

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадасида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олган спортчилар орасида Тошкент вилояти ёшлари ҳам бор. Уларни шарафлашга бағишланган тантанали тадбир Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди.

– Фарзандларимизнинг нуфузли мусобақадаги иштирокини ҳаяжон билан кузатиб бордик, уларнинг ютуғи энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб совға бўлди, – дейди Олег Пухнатий. – Мен спортчи сифатида эриша олмаган армонларимга ўғлим Артём ва у каби минглаб истеъдодли ёшларимиз эришишига, жаҳон ареналарида бундан-да юқори натижаларни қўлга киритишига ишонаман.

Тантанали маросимда ёш спортчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими А.Усмонов сўзга чиқди.

**Ўз мухбирларимиз**



ЎзА суратлари.

# ЖАНУБДАГИ ЖАВОҲИР

**(Боши 1-саҳифада)**

Президентимиз раҳнамолигида шаҳарда одамлар учун муносиб турмуш шароити яратиш, саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар юксак самаралар бермоқда. Замонавий шаҳарсозлик андозаларига мос кўркам уй-жойлар, таълим, тиббиёт муассасалари, болалар спорти иншоотлари, маданий-маиший бинолар қад ростламоқда. Муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси реконструкция ва модернизация қилиниб, ободонлаштирилаётир. Кенг, равон йўллар барпо этилмоқда. Термиз археология музейи, Термиз давлат университетининг янги биноси, Бахт уйи, “Сурхон” спорт мажмуаси каби бир-биридан муҳташам иншоотлар шаҳарга ўзгача кўрк бахш этмоқда.

Юртимиздаги ягона – Термиз дарё порти давлатлар ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий, дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир. Шаҳарда элликдан ортиқ саноат корхонаси, икки юзга яқин сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолият юритаётгани ҳам бунга яққол мисолдир. Ўтган асрда пахта тозалаш, гўшт ва сут маҳсулотлари, нон маҳсулотлари, темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришдан бошқа саноат корхонаси бўлмаган шаҳарда бугун қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, озиқ-овқат ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кенг ривожланмоқда.

Биз бугун Термиздек ўнлаб тарихий ва навқирон, гўзал шаҳарларга эга озод ва обод, жонажон Ўзбекистонимиз билан ғурурланамиз. Чунки гўзал Ватанимиз дунёда шуҳрат топди. Ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилди. Ахир бундан-да ортиқ бахт борми?!

Биз кекса авлод вакиллари мамлакатимиз қисқа даврда қандай улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганлигини ўғил-қизларимизга тушунтиришимиз, уларнинг қалбида она юртга бўлган муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашимиз керак. Асосийси, тинчлик-хотиржамлигимиз барқарор ва бардавом бўлиши учун бор куч-ғайратимизни сафарбар этишимиз лозим. Шундагина кўзлаган мақсадимизга, юксак марраларга эришамиз.

**Орзиқул СОАТОВ,**
*Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.*

Сирдарё Вилояти

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги байрами муносабати билан Гулистон шаҳридаги Олим Хўжаев номли мусиқали драма театрида “Сирдарёда ўзбек миллий кино санъати кунлари” бўлиб ўтди. Унда ўзбек кино санъати усталари, ёш актёр ва актрисалар мухлислар билан учрашдилар.*

## СИРДАРЁДА КИНО САНЪАТИ КУНЛАРИ

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда кино санъати ривож топаётганлиги, санъаткорларга эътибор янада кучаяётганини таъкидлаб ўтишди. Актёрлар кинофильмларда яратган бетакрор образлари, ёдда қолган ҳаяжонли воқеалар ҳақида мухлислар билан дилдан ўртоқлашди. Бугун экранлаштирилаётган фильмлар маънавиятимизни юксалтириб, миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни танишга хизмат қилаётганини таъкидлашди.

— Бугунги кино санъати кунларининг Сирдарёда ўтаётганлигидан жуда хурсандмиз, — дейди “Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директори Жаҳонгир Қосимов. — Сирдарёда ҳам чинакам фидойи инсонлар яшаб, меҳнат қиладилар. Мустақиллик йилларида вилоятда, унинг маркази Гулистонда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар ва қишлоқлар ўзгача қиёфа касб этди.

Одамларнинг юртни обод қилишга, Ватан тараққиётига ҳисса қўшишга иштиёқи ошди. Ўйлаймизки, келгуси фильмларимиз қаҳрамонлари сафида ана шундай инсонлар бўлади.

Худди шундай дилкаш учрашувлар Сайхунобод, Сирдарё ва Сардоба туманларида ҳам ташкил этилди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

# ЙИРИК ТЎҒОНЛАР ҚУРИЛИШИГА САРФЛАНГАН ХАРАЖАТ ЎЗИНИ ОҚЛАМАЙДИ

***Жак Лесли, «The New York Times», 2014 йил, 22 август***

Йирик гидроиншоотлар қурилишининг аҳоли ҳаётига таъсири масалалари бўйича етакчи мутахассис Таер Скуддер йирик тўғонлар барпо этилиши нечоғли мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги фикрини ўзгартирди.

Йирик тўғонлар қурилиши лойиҳалари бўйича доимий маслаҳатчи бўлган Скуддер ўзининг 58 йилдан кўпроқ фаолияти давомида тўғонларни тегишли равишда барпо этиш ва бошқариш аҳолининг қашшоқлик даражасини, бундай иншоотлар етказадиган ижтимоий ва экологик зарарни камайтиради, деб ишонар эди. Бироқ 84 ёшни қаршилаган мутахассиснинг яқинда матбуотда ёзишича, йирик тўғонлар нафақат сарфланган харажатларни оқламайди, балки айни пайтда барпо этилаётган кўплаб тўғонлар “ҳалокатли экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади”.

Калифорния технология институтининг ижтимоий фанлар бўйича фахрий профессори Скуддер тўғонлар барпо этилиши билан боғлиқ қарашлари йиллар давомида ўзгариб боргани ҳақида ёзади. Тўғонлар қурилиши тарафдори бўлган олим 1956 йили ўзининг бу мавзудаги дастлабки тадқиқот ишини амалга оширган. Ўшанда у бугунги Замбия ва Зимбабве давлатлари ҳудудидаги Гвамбе водийсидан 57 минг кишини мажбурий кўчириш оқибатларини ўрганган. Ўша пайтларда Жаҳон банки фаолияти тарихида энг катта миқдордаги кредит ҳисобидан молиялаштирилган Кариба тўғони қурилиши оқибатида Тонго аҳолисини Замбези дарёси оқими бўйлаб жойлашган унумсиз ерларга кўчиришга тўғри келган эди.

Шундан буён Скуддер ушбу одамлар ҳаётини кузатиб келади. Илгари аҳил ва мустақил ҳаёт кечирган Тонго аҳолиси кўчирилганидан сўнг очарчилик, ичкиликбозлик ва ишсизлик муаммосига дуч келди. Чорасиз қолган айрим кишилар эса кун кечириш мақсадида ноқонуний наркотиклар етиштириш ва унинг контрабандаси, браконьерлик, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбур бўлмоқда. Бундан ташқари, ушбу ҳудуд аҳолиси электр энергияси етишмаслигидан ҳам азият чекмоқда.

Яқинда Лаосда “Нам Теун-2” тўғони лойиҳасида ҳам маслаҳатчи сифатида иштирок этган Скуддер тўғонлар қурилишидан фойда келишига бўлган ишончини мутлақо йўқотди. Скуддер ва унинг икки маслаҳатчиси тўғон лойиҳасини қурилиш ҳомийларига кўчириладиган одамларга тўғонни барпо этишдан аввал яшаш учун яхши шароит яратиб берилишини кафолатлайдиган чоралар ишлаб чиқиш талаби борлиги учун қўллаб-қувватлаган эди. Мазкур тўғон қурилиши 2010 йилда якунланган бўлса-да, юқоридаги талаблар бажарилмасдан қолиб кетди. Қолаверса, тўғонни тасарруф этувчи уч ташкилот бунинг учун жавобгарликни Лаос ҳукумати зиммасига юклашга интилмоқда.

Скуддер шу муносабат билан берган интервьюсида “Бу ҳали ҳаммаси эмас. Лаос ҳукумати кейинги 20-30 йил ичида яна 60 тўғон барпо этишни режалаштирмоқда. Бироқ айни пайтда мамлакат мазкур тўғонлар қурилиши бўйича экологик ва ижтимоий оқибатларни бартараф этишга қодир эмас”, деб алоҳида қайд этади.

“Нам Теун-2” тўғони бундай йирик иншоотлар барпо этиш ўта мураккаб вазифа бўлиш билан бирга, бебаҳо табиий ресурсларга ўнглаб бўлмас даражада катта зарар етказиши тўғрисидаги анчадан буён ўйлаб юрган тахминларимни тасдиқлади”, дейди у. Энди Скуддер тўғонлар қурилишининг олдини олишни ўзининг энг муҳим вазифаси, деб билади. 1992 йили у дунёдаги энг сўнгги катта ветландлардан бири – Ботсвана давлатидаги Окаванго дельтасига зарар етказиши мумкин бўлган тўғон қурилишининг олдини олишга ёрдам берган тадқиқотга раҳбарлик қилган эди.

Оксфорд университети олимлари томонидан амалга оширилган ва март ойида “Energy Policy” журналида чоп этилган оламшумул тадқиқот Скуддерга ўзининг бу борадаги фикри кескин ўзгарганини жамоатчиликка етказишга туртки берган сабаблардан биридир. Атиф Ансар, Бент Флавберг, Александр Будзер ва Даниэл Ланн томонидан ўтказилган мазкур тадқиқотда 1934-2007 йилларда барпо этилган 245 йирик тўғон учун сарфланган харажатлар статистикаси ўрганиб чиқилган. Унда ҳамма вақт глобал ва салбий муаммо ҳисобланган ижтимоий ҳамда экологик оқибатлар инобатга олинмаган тақдирда ҳам “йирик тўғонлар қурилишига ҳаддан зиёд кўп маблағ сарфлаш кутилган даромад келтирмайди” деган хулосага келинган.

Тадқиқот муаллифларининг фикрича, тўғонлар қурилиши ташаббускорлари ҳаддан ортиқ ўзига ишонади, уларни барпо этиш тарафдорлари эса қуруқ ваъдаларга учиб алданиб қолмоқда ёки тоқат қилиб бўлмас даражадаги коррупцияга дуч келмоқда. Тадқиқот шуни кўрсатдики, тўғонлар қурилишига сарфланган харажатлар қиймати уларнинг смета қийматидан ўртача икки марта, инфратузилма, жумладан, йўллар, кўприк ва туннеллар барпо этишга нисбатан бир неча баробар ортиб кетган. Тўғонлар қурилишига ўртача 8,6 йил вақт керак бўлган ва бу режадаги прогноздан 44 фоиз кўпдир. Муаллифлар бу жуда узоқ муддат бўлиб, катта тўғонлар қурилиши “энергетика билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишда кутилган самарани бермаётгани”ни қайд этган.

Тўғонлар қурилиши одатда, ривожланаётган давлатлардан катта миқдорда молиявий ресурслар сарфлашни талаб қилади. Чунки қурилиш ташаббускорлари инфляция оқибатлари ва валютанинг қадрсизланишини эътиборга олмайди. Йирик тўғонлар қурилишини қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган катта миқдордаги маблағлар ташаббускор давлатлар томонидан кредит шаклида ажратилади ва пировард натижада, бу маблағлар ўзгармас валютада қайтарилиши лозимлигини талаб қилади. Бироқ тўғонлар фаолиятидан тушадиган асосий даромад аҳолига электр энергиясини сотиш орқали маҳаллий валютада шакллантирилади. Маҳаллий валюта курси долларга нисбатан пасайганда эса ушбу кредитлар фоизи янада ошиб кетади.

Бу жараёнлар илгари эътиборга олинмаганининг асосий сабабларидан бири шундаки, тўғонларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги бўйича ўтказилган аввалги тадқиқотларда Жаҳон банки каби халқаро кредиторлар ажратган кредитини қайтариб ола оладими, деган фикрдан келиб чиққан. Аксарият ҳолларда эса улар бунга эришган.

Аммо иқтисодий самара олиш илинжида тўғон қуришни мақсад қилган ташаббускор мамлакатлар учун бу жуда оғир кечган. Йирик тўғонлар қурилиши лойиҳаси қиймати шу даражада улканки, 1980 йиллардан бошлаб уларни барпо этиш учун керагидан ортиқ маблағ сарфланиши Туркия, Бразилия, Мексика ва собиқ Югославия каби давлатларда қарз билан боғлиқ инқирознинг асосий таркибий қисмига айланган. “Аксарият мамлакатларнинг миллий иқтисодиёти шу даражада заифки, атиги битта мега-тўғон бўйича қарз мажбуриятлари мамлакат иқтисодиётига ўнглаб бўлмас даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин”, – дейди ушбу тадқиқотнинг етакчи иштирокчиси Флавберг.

Мазкур фикрни тасдиқлаш учун тадқиқотда айни пайтда Покистонда Ҳинд дарёсини тўсиш орқали қурилаётган йирик Даймер-Бхаша тўғони мисол қилиб келтирилган. Қурилиши 2021 йилда ниҳоясига етказиш кўзда тутилган ушбу тўғоннинг лойиҳа қиймати 12,7 миллиард долларни (2008 йилги курсда) ташкил этади. Бироқ тадқиқот унинг қурилиши 2027 йилда ҳам якунланмаслиги, сарфланадиган харажат эса 35 миллиард долларга етишини (яна 2008 йилги курсда) ва бу ўша даврдаги Покистон ялпи ички маҳсулотининг тўртдан бир қисмига тенг бўлишини кўрсатди.

Тадқиқотда келтирилган мезонлар инобатга олинадиган бўлса, дунёда барпо этилиши режалаштирилаётган кўплаб мега-тўғонлар иқтисодий жиҳатдан ҳеч қандай самара бермайди. Бу, шубҳасиз, Конго дарёсини тўсиш учун мўлжалланган саккизта тўғондан иборат ва дастлабки икки лойиҳасини амалга ошириш учун катта миқдорда маблағ сарфланган йирик Инга комплексига, шунингдек, Амазонка тропик ўрмонлари ўрнида катталиги бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллайдиган гидроэлектр станцияси – Бразилияда қурилиши режалаштирилаётган қиймати 14 миллиард долларлик Белу Монте тўғони лойиҳасига ҳам тааллуқлидир.

Тадқиқот муаллифлари мега-тўғонларга ўхшаш йирик иншоотларни қуриш ўрнига шамол, қуёш энергияси ва мини-ГЭС каби «муқобил энергия манбалари»ни барпо этишни тавсия қилади. “Биз ҳали-ҳамон барча ишлар алоҳида лойиҳалар асосида қўлда бажарилган 1950 йилларда тўхтаб қолганмиз, – дейди тадқиқотчи Ансар. – Ифодали қилиб айтганда, бугун бизга стандартлаштириш, контейнерга жойлаб ташиш осон бўлган ихчам конструкциялар керак”.

Шу ўринда тўғонлар қуриш бўйича ҳозирги халқаро тенденцияларга зид бундай тўғонлар Хитой, Бразилия ва Ҳиндистон компаниялари томонидан ҳали ҳам кўплаб барпо этилаётгани, Жаҳон банки эса бир йил аввал мега-тўғонларни молиялаштиришга доир умрини ўтаб бўлган эски стратегия яна қайта тикланиши мумкинлигини билдиргани кишини ҳайрон қолдиради. Ушбу йирик лойиҳалар ташқи томондангина жозибали бўлиб туюлади, холос. “Тўғонлар – кутилган натижага камдан-кам ҳолларда эришишга ёрдам берадиган нотўғри ёндашув, саноат даврининг асоратлари” эканини англаб етишнинг вақти келмоқда.

**Жак ЛЕСЛИ яқинда ўтказилган «Чуқур жойлашган сув: тўғонлар қурилиши билан боғлиқ давомли кураш, кўчириш дастурига киритилган одамлар ва атроф-муҳит муҳофазаси» тадқиқотининг муаллифидир.**

# АВТОМОБИЛЛАРГА ГАЗ ҚУЙИШДА ҚУЛАЙЛИКЛАР

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалиши ва унга боғлиқ равишда автотранспорт воситалари сонининг кўпайиши, табиийки, ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талабнинг ошишини тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорни бир маромда ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлашда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни талаб этади. Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматлар таннархида ёнилғи ва мойлаш материалларининг салмоғи бугунги кунда ортиб бораётгани эътиборлидир. Бунинг натижасида ёқилғи сарф-харажатлари тобора камайиб, корхоналарнинг соф даромади ошишига қулай имконият яратилмоқда. Бу борада кўрилаётган изчил чора-тадбирлар ва уларнинг самараси ҳақида **"Ўздавнефтгазинспекция" марказий инспекторлик бўлими бош технологи Шухрат НОРБЕКОВ** мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар таннархини камайтириш ҳамда нефть маҳсулотларини тежашнинг истиқболли лойиҳаларидан бири, бу — автотранспорт воситаларини ҳам арзон, ҳам экологик тоза муқобил ёнилғи турларига мослаштиришдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан буён давлатимиз томонидан иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолининг ёнилғи ва мойлаш материалларига бўлган талабини қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган табиий газда ишлашга босқичма-босқич ўтказиш эса бунинг ёрқин далилидир.

Маълумки, республикамиз ҳудудлари кесимида автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари (АГТКШ, метан) ва автомобилларга газ қуйиш шохобчалари (АГҚШ, пропан) аҳоли ҳамда автотранспортлар сонидан келиб чиқиб, шунингдек, халқаро ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган магистрал автомобиль йўллари бўйлаб мақбул жойлаштирилмоқда. Бундан ташқари, автотранспорт воситаларини сиқилган табиий ва суюлтирилган газда ишлашга мослаштириш жараёни жадал давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги "Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикамиз бўйича 43 та АГТКШ ва 192 та АГҚШ мавжуд эди. 2014 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, АГТКШ сони 380 тага, АГҚШ сони эса 831 тага етди. 2007 йил 1 январдан 2014 йил 1 июлгача АГТКШ орқали сотилган сиқилган газ ҳисобига 4050,9 минг тонна нефть маҳсулотлари, АГҚШ орқали сотилган суюлтирилган газ ҳисобига эса 1934,6 минг тонна нефть маҳсулотлари тежалишига эришилди. Бу салмоқли ютуқ, албатта. Аммо биз бу билан кифояланиб қолмаймиз.

Ҳозирги кунда тадбиркорларга янада қулайликлар яратиш мақсадида янги қурилган ва мавжуд автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчалари ҳамда автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари томонидан "Ўздавнефтгазинспекция" доменидаги электрон почта ҳамда Ягона давлат интерактив хизматлари порталида инспекциямиз учун махсус ташкил этилган шахсий кабинетга келиб тушган электрон мурожаатлар қабул қилинмоқда. Уларга жавоблар белгиланган тартибда тадбиркорларга электрон вариантда тақдим этилмоқда. Бу эса келгусида автомобилларга газ қуйиш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**С.САЙДИСЛОМОВ суҳбатлашди.**



Хоразм Вилояти

***Шовот туманидаги "Рўзимбой Ҳаётбек" фермер хўжалиги раҳбари 64 ёшли Рўзимбой Отажонов тиниб-тинчимайдиган, изланишдан чарчамайдиган инсон. У яратган боғнинг 2 гектарлик қисми гўё тажриба майдони: 100 турдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 50 турга яқин турфа хил гуллар ўсиб турган майдонга ҳайрат билан боқасиз. Улар ичидаги шу йил ўтказилган бўлса-да, меваси қизариб пишган, ён шохларидан янги чиққан новдалари гуллаб, мева қила бошлаган бутасимон ўсимлик эътиборимизни тортди.***

# РЎЗИМБОЙ ФЕРМЕРНИНГ БОҒИ



— Бу Хитой табобатида жуда қадимдан фойдаланиб келинган гожи ўсимлигидир, — дейди Рўзимбой ака. — Ҳимолай ҳудудида яшовчи аҳоли унинг мевасини доимий равишда истеъмол қилганликлари боис, қандли диабет, онкологик, руҳий зўриқиш, кўз касалликларига учрамай, 100 йилдан ошиқ умр кўришаркан. Меваси таркибида 19 хил аминокислота, 21 хил макро ва микро элементлар, ҳатто озиқ-овқат маҳсулотларида кам учрайдиган германий элементи ҳам мавжуд. Шифобахшлиги билан жаҳонга машҳур гожи қуруқ мевасининг бир килограмми сифатига қараб 50 доллардан 143 АҚШ долларигача сотилар экан.

Илмий тадқиқотларда гожи меваси истеъмол қилинганидан 6 соат ўтгач, инсон организмида қариш аломатларининг секинлашиши исботланган. Ҳар куни 10-12 граммдан истеъмол қилинса, унинг шифобахш таъсири кишини бардамлаштириб, қондаги холестеринни меъёрлаштиради, қанд даражасини пасайтиради.

Рўзимбой аканинг саъй-ҳаракати билан етиштирилган гожи воҳа тупроқ ва иқлим шароитига яхши мослашди. 15 майдан қировли кунларга қадар мева берадиган ушбу бута кўчатларидан Андижон, Бухоро, Наманган, Қашқадарё вилоятларидан келиб олиб кетишади.

Боғни айланар экансиз, боғбоннинг ота-боболаримизга хос меҳнаткашлигию, омилкорлиги, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ернинг ҳар бир қаричини қадрлаши, тупроқни бойитишдаги тажрибалари, яратувчанлик иштиёқи, юрт ободлиги ва дастурхонимиз тўкинлиги, инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси, бағрикенглигига тасанно айтасиз. Ҳақиқатан ҳам етук мутахассис, тажрибали боғбоннинг чатиштириш йўли билан янги тур мевалар яратиши, янги боғлар ташкил қилиш, турфа гуллар ва доривор ўсимликлар етиштириш, аҳолини уларнинг уруғлари билан таъминлаш борасидаги хизматлари таҳсинга лойиқ. Боғда биргина туя дарахтининг 4 тури 6, 5 минг тупдан зиёд кўчати ўстирилмоқда. Шунингдек, можевельник, метаскас (хитой дарахти) қрим қарағайи, туркман арчаси каби дарахтлар, пинония, катарантус, сальвия, кан (чой барги) каби гуллар барқ уриб ўсмоқда.

Воҳада унинг назари тушмаган боғ, маслаҳатини олмаган боғбон, ўрганмаган ҳаваскорни топиш қийин. Р.Отажоновнинг бевосита ёрдами билан воҳа туман ва шаҳарларида, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний туманларида ташкил қилинган боғлар майдони минг гектардан ошади. У Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Сирдарё, Тошкент вилоятларига минглаб япон сафораси кўчатларини етказиб берган. Рўзимбой ака ҳамиша янгиликка интилиб яшайди. Унинг уйидаги боғида ҳам ўнлаб янги тур мевали дарахт кўчатларини воҳамизда учрамайдиган гулларни учратиш мумкин.



— Мана булар Чуст ва Шаҳрисабз нашватилари, — дейди у бўй баравар чиройли гулни кўрсатиб. — Уларнинг афзаллиги шундаки, шира ва нашвати битлари сингари зараркунанда ҳашаротларга чидамли, қурт тушмайди. Бу гулни эса Намангандан келтирганман. Уни дарахтлар ораларига экиб, ўстирсангиз боққа капалаклар йўламайди.

Рўзимбой акадан интенсив боғлар яратиш ва янгиликлар самараси тўғрисида сўраганимизда у шундай фикрни билдирди:

— Интенсив боғни совуқ уришининг олдини олиш учун дарахтзорни ноябрь ойида суғориш керак, ер нам бўлса совуқ таъсир этмайди. Олма пакана ва ярим пакана турларига пайванд қилинса ва вақтида озиқлантирилса, шу йилнинг ўзида ҳам ҳосил беради. Иккинчи йили тўлиқ ҳосилга киради. Бундай усулда 1 гектар майдонда 3700 туп олма ўстириш мумкин. Унга шакл бериш, меваларни териб олишда қулай томонлари кўп. Илдиз тизими яхши ривожланади.

Рўзимбой ака суҳбатимиз давомида кўп бора тилга олганидек, бугун юртимизда боғдорчиликда эришилаётган муваффақиятлар она заминимиз сахийлигию инсон билими ва тажрибаси уйғунлиги самараси, Истиқлолимиз берган имкониятлар натижасидир.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

○ **Реклама ва эълонлар**

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т.да жойлашган 40-сонли мактаб томонидан 1999 й.да Нуруллаев Султонбой Назирбоевич номига берилган O'RZ № 331402 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т.да жойлашган Тошкент Иқтисодиёт ва сервис коллежи томонидан 2002 й.да Нуриллаев Султонбой Назирбоевич номига берилган рўйхат рақами 23721 № 080166 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Юнусобод т.да жойлашган Тошкент Туризм коллежи томонидан 2008 й.да Аллаева Гулмира Тўлкиновна номига берилган К № 1084243 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный кадастр за № ТА 1727482 выданный 22.01.2013 г. управлением городского кадастра на ООО "CLEAN MACHINE", считать недействительным.

Утерянный аттестат O'R-B № 021910 выданный шк. № 183 Чиланзарского р-на на имя Иванова Никиты Юрьевича, считать недействительным.

"BETON STROV INDUSTRIYA" МЧЖга (ИНН 207089020) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 006724-01, 26.08.2014 й.) рўйхатга олинган "NEURO HEALTH CARE SERVICE" МЧЖ Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 003566-05, 30.05.2011 й.) рўйхатга олинган "DOCTOR UMARGALIEV" МЧЖни ўз сафига бирлаштириб олишини маълум қилади. "NEURO HEALTH CARE SERVICE" МЧЖ "DOCTOR UMARGALIEV" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимлигининг қарори билан 24-сонли Меҳрибонлик уйи фаолияти тугатилганлигини маълум қилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда +99894 605-70-26 тел. рақамида қабул қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004055-07, 20.03.2014 й.) Ҳамза т. Авиасозлар 1-мавзеси 115-уй 220-хонадон манзили бўйича рўйхатга олинган "MOBIL-OMAD-SERVIS" МЧЖ (СТИР 302375663) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 29.08.2014 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 121-33-88 тел. орқали қабул қилинади.

Утерянный кадастр за № 10010501020012 (реестр № 1-102/2007, 16.04.2007 г.) выданный управлением городского кадастра на имя Камолова Зухриддина Аловуддиновича, считать недействительным.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004471-07, 13.05.2013 й.) рўйхатга олинган Ҳамза т. Авиасозлар деҳқон бозори ҳудудидаги 35-дўконда жойлашган "INTER ELANTRA TRADE" МЧЖ (СТИР 302606041) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 09.2014 й.даги 2-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 126-10-06, 806-31-05 тел. орқали қабул қилинади.

Утерянный гос. ордер № 09-02/9851 от 06.03.1997 г. права собственности на квартиру на имя Мамирова Шаяхмата Ивайдуллаевича, считать недействительным.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (23.12.2011 й., реестр № 004889-01) рўйхатдан ўтган "SAPARBEK" ХКнинг (ИНН 201138905) мулкчилик шакли "SAPARBEK" Оилавий корхонасига ўзгартирилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (16.09.2010 й., реестр № 003960-01) рўйхатдан ўтган "MUXAMMAD-ADOLAT BIZNES" ХК (ИНН 301700084) ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгаришини маълум қилади. Тел.: 605-83-63.

Утерянный диплом № 099021 выданный в 1996 г. Ташкентским Государственным университетом на имя Далимовой Муяссар Ганижановны, считать недействительным.

ООО "ART DEKO UNIFORM" (ИНН 301685603) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского р-на г. Ташкента (реестр № 005461-03, 06.10.2011 г.) расположенной по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. Бехтерова 113/10 ликвидируется (решение учредителей № 2, 11.01.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления.

Тошкент вил. Пискент т.га қарашли 1-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2008 й.да Эшбоева Шохсанам Махмуд қизи номига берилган U № 3419532 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "INTEGRA MODA" сообщает об уменьшении уставного фонда с 280 000 000 сум до 198 703 883,44 сум. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Мустакиллик д. 7.

"KO'RAGON ORZUSI" ХКга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004579-09, 11.07.2011 й.) рўйхатга олинган "DOIM SAVDO BARAKA" МЧЖ (ИНН 301705537) ташкилий-ҳуқуқий шакли ва фирма номи "DIGITAL BUSINESS GROUP" ХКга ўзгарганлигини маълум қилади. Тел.: 985-33-37.

**ЎЗР ССВ САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИТИ КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМЛАР-ИЗЛАНУВЧИЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА 2015 ЙИЛ 1-БОСҚИЧГА ДАВЛАТ БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА ТАЙЁРЛАШ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

**— Гигиена (14.00.07) — 4 ўрин;**
**— Микробиология ва вирусология (03.00.04) — 1 ўрин.**

Ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

Ариза, маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси, магистратура дипломи ёки фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маърузa ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси, илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида 3 та), тезислар (камида 2 та) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари, талабгорнинг илмий ва илмий-тадқиқот фаолиятга лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси, етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.

**Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрь — 15 ноябрь даврида қабул қилинади.**

Талабгорлар мутахассислик, Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

Фан номзодлари кириш имтиҳонлари топширишдан озод қилинадилар.

**Кириш имтиҳонлари 2014 йил 1 — 20 декабрь даврида бўлиб ўтади.**

**Мустақил изланувчилик** тартибида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида ЎзР ССВ санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ қуйидаги мутахассисликлар бўйича **2015 йил 1 босқичга** мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:

**— Гигиена (14.00.07);**
**— Микробиология ва вирусология (03.00.04).**

Мустақил изланувчиликка талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: ариза, иш жойидан тавсифнома, маълумотнома, олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги дипломнинг нусхаси, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, талабгорнинг илмий ва илмий-тадқиқот фаолиятга лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси, илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.

**Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрь — 15 ноябрь даврида қабул қилинади.**

Мустақил изланувчиликка талабгорлар мутахассислик бўйича суҳбат натижалари бўйича қабул қилинади.

**Манзил:** Тошкент ш. Мирзо Улуғбек тумани Олтинтепа кўчаси 325.
**ЎзР ССВ санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ.**
**Мурожаат учун телефонлар:** (8-371) 266-69-54, (+99898) 360-15-06.

**SOTILADI:**

**QOG'OZ**

**OFSET 55,70. 80 gr.**
**ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.**
**MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.**
**QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.**
**QOG'OZ QOPCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.**

**Shuningdek, QALIN QOG'OZ**

**SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.**
**DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.**

**«ABSOLYUTE BUSINESS TRADE» XK xizmat ko'rsatadi**
Mahsulotlar sertifikatlangan
Xizmatlar litsenziyalangan

**ПРОДАЁТСЯ:**

**БУМАГА**

**ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр.**
**ЭТИКЕТОЧНАЯ (UPM Финляндия) 80 гр.**
**МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр.**
**УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр.**
**МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр.**

**А также, КАРТОН**

**ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр.**
**ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр.**

**Услуги оказывает: ЧП «ABSOLYUTE BUSINESS TRADE»**
Товары сертифицированы
Услуги лицензированы

**+99895 194-00-14, +99898 362-91-11**

ООО "FORTIS" (ИНН 300907278) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского р-на г. Ташкента расположенной по адресу: г. Ташкент массив Кушбеги 24 А уменьшает свой уставной фонд от 221 000 000 сум до 4 000 000 сум (решения собрания учредителей № 1 от 02.09.2014 г.). Претензии принимаются в течение 1-го месяца со дня опубликования объявления.

ООО "ALFA DECOR" (ИНН 207132592) зарегистрированное Чиланзарским хокимиятом г. Ташкента, расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзар 5 пр. Бунёдкор 3 уведомляет о добровольной ликвидации на основании решения учредителя от 02.09.2014 г. Требования кредиторов могут быть представлены в течение 30 дней с даты опубликования настоящего объявления.

Утерянный план БТИ и гос. ордер № 04-01/8976 от 20.01.1993 г. права собственности на квартиру на имя Константинова Сергея Павловича, считать недействительным.










СОЛИҚ

*Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда.*

# ИМТИЁЗ ИМКОНИЯТ ЯРАТМОҚДА

Мазкур қарор асосида 2016 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиздан 2,5 фоизга камайтирилганди. Бу эса мамлакатимизда ушбу йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига қатор қулайликлар яратиб, кўплаб маблағларни ўз ихтиёрида сақлаб қолишлари учун имкон бермоқда. Натижада мазкур корхоналарда кенг кўламдаги модернизация ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ортмоқда. Янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳоли фаровонлиги тобора яхшиланмоқда.

– Маълумки, маҳсулотни хомашё тарзида харидорларга етказиб беришдан кўра, уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш 2-3 баробар кўпроқ иқтисодий самара келтиради, – дейди Бухоро шаҳридаги гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган "Сулшержаҳон" хусусий корхонаси раҳбари Шерали Султонов. – Биз ҳам шу жиҳатни эътиборга олиб, тадбиркорлик фаолиятимизни айнан шу йўналишда ташкил этдик. Юртимизда тадбиркорлик субъектларининг эркин ва самарали фаолият юритишлари учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантиришга доир қатор имтиёзларнинг мавжудлиги корхонамизнинг қисқа муддат ичида оёққа туриб олишида муҳим омил бўлди. Масалан, мамлакатимиз солиқ тизимида тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзларни олиб қарайлик. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ягона солиқ тўлови ҳисобидан қарийб 100 миллион сўмлик маблағ корхонамиз ихтиёрида сақлаб қолинди. Эътиборлиси, ушбу маблағ эвазига аввалги маҳсулотларимизга қўшимча равишда 3 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, 5 та янги иш ўрни яратишга муваффақ бўлдик. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 15 фоизга кўпайди.

Айни кунда вилоятда ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган 19 та тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботларини олиб қарайдиган бўлсак, солиқ юкининг камайтирилиши ҳисобидан кўплаб маблағларни корхоналарнинг ўз ҳисобрақамларида қолаётганлигини кўрамиз. Бу эса, ўз навбатида, мазкур корхона ҳамда микрофирмаларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ишчи-ходимлар манфаатдорлигини ошириш ва фаровонлигини мустаҳкамлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Зеро, мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун солиқ тизимида яратилаётган қулайликлар, берилаётган имтиёз ва енгилликлардан кўзланган мақсад ҳам уларнинг эркин фаолиятини ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдан иборат.

**Баҳодир ҚУДРАТОВ,**
*Бухоро вилояти ДСБ бўлим бошлиғи,*
**Баҳодир ФАЙЗИЕВ,**
*Ахборот хизмати бош мутахассиси.*

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки жамоаси банкнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали касса ишлари бўлими мудири
**Воҳиджон ҚОСИМОВ**нинг
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

○ Реклама ўрнида

# ҒЎЗА УРУҒЧИЛИГИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, жумладан, пахтачилик соҳасида фаолият юритаётган селекционер олимлар, тажрибали мутахассислар, миришкор деҳқонлару серғайрат пахтакорларни Энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.

Ўзбек пахтаси довруғини янада ошириш мақсадида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган заҳматкаш пахтакорларимизнинг бунёд этажак ҳосил хирмонлари баракали ва сарбаланд, юртимиз иқтисодиёти бундан-да юксалиб, ҳаётимиз тобора фаровон бўлишини тилайди.

ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОРЛОҚ, ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

23

○ Реклама ўрнида

# «ФАРҒОНАДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни Энг улуғ, энг азиз байрам билан самимий муборакбод этади.



Хонадонларимиз қут-баракали, дастурхонимизноз-неъматга тўла, юртимиз доимо тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

○ Реклама ўрнида

MAXAM CHIRCHIQ

*Истиқлол нури-ла диллар нурафшон,*
*Бунча хуш ёқимли ҳурлик шамоли.*
*Аждодлар истаги бўлди намоён,*
*Озодлик — халқимнинг бахту камоли.*

Дарҳақиқат, шоир таърифлаганидек, ҳурликнинг хуш ёқимли шамолидан, ватандошларимизнинг бахту камолидан диллар нурафшон! Шундай қувончли кунларда барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик айёми билан самимий муборакбод этамиз.

Уларга олам-олам шодлик, тани сиҳатлик, оилавий бахт-саодат тилаймиз.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора ошаверсин, мустақиллигимиз абадий бўлсин!




“МАКСАМ-ЧИРЧИҚ” КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

○ Реклама ўрнида

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Сизларни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрами билан самимий муборакбод этамиз. Шодиёна шукуҳи қалбларимизни нурафшон этиб турган шу кунларда барча юртдошларимизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, келгуси ишларида катта муваффақиятлар, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларига тўкинлик тилаймиз.

Тараққиётнинг ойдин йўлидан собит қадамлар билан бораётган Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнасин, халқимизнинг эзгу орзулари ушалаверсин!

Тошкент вилоятидаги Бурчмулла ўрмон хўжалиги жамоаси

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Улуғбек УЗОҚОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99891) 332-00-88; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** А.ҚАРШИЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-919, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 23.55 16212 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5